

«Қуръони Карим мусобақаси 1442» саккизинчи ҳафта саралаш босқичи яқунланди



03:00 / 27.02.2021 1695

Инсон ҳаётида Қуръон билан ўтган лаҳзалар, унинг тиловати билан олинган нафаслар нақадар ҳам ёқимли.

Шайх Муҳаммад Амин Сирож раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Мисрга борганимда қарасам инсонларнинг қўлида биттадан Қуръони Карим бор экан. Уни доим чўнтақларида олиб юришар экан. Мен ҳам ўшандан бери чўнтагимда Қуръони Каримни олиб юраман. Унинг ёнимда бўлиши мен учун жуда катта неъмат. Зеро, қаерда бўлмайин, ёлғиз қолсам дарҳол уни очиб ўқийман».

Аввал хабар берганимиздек, устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ўтказилаётган «Қуръони Карим мусобақаси — 1442» танловининг 8-ҳафта саралаш босқичининг ҳифз йўналиши бўйича ғолиблар аниқланди.

Куни кеча тиловат йўналиши бўйича саралаш босқичида ўтказилди ва ғолиблар аниқланди.

Биринчи ўринни Қашқадарё вилоятидан Абдуллоҳ Ғаниев эгаллади ва Рамазон ойида бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Иккинчи ўрин Зоҳид Тошбоевга насиб этди.

Фахрли учинчи ўринларни Убайдуллоҳ Жўраев ва Дадахон Раҳмоновлар эгаллашди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа шартларига киритилган янги тартибга биноан мураттаб қориларимиз ҳифз йўналишида ҳафта давомида @azonqur'onbot телеграм манзилида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ҳафта давомида ҳифз йўналишида рўйхатдан ўтган қорилар билан чоршанба куни суҳбат жараёнлари бўлиб ўтади ва иштирокчилар аниқланади. Мураттаб қориларни Қуръон мусобақасига чорлаб қоламиз. Исталган вақтда ариза тўлдириб, иштирокчига айланишингиз мумкин.

Барчангизни Қуръон байрамига таклиф қиламиз.

Мусобақага оид барча маълумотларни билиш учун Qur'on Musobaqasi 1442 телеграм каналини кузатиб боринг.